

## НЕМИС ТИЛИ ИДИОМАЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТИ ВА УЛАРНИ ЎЗБЕК ТИЛИГА ТАРЖИМА ҚИЛИШ ИМКОНИАТЛАРИ

**Шухратхон Имминова**

ЎЗМУ профессори

### ARTICLE INFO.

#### Калит Сўзлар:

Идиома, сўз бирикмаси,  
компонент, кўчма маъно,  
тилшунослик, таржима,  
фразеологизм.

### Аннотация

Ушбу мақолада немис тилидаги идиомалар ва уларга олимлар томонидан берилган таърифлар ҳамда идиомаларни немис тилидан ўзбек тилига таржима қилиш мезонлари тўғрисида сўз юритилади.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

*Идиома* атамаси грекчадан олинган бўлиб, “*одатдаги*”, “*ҳақиқий*” деган маънони англатади. Идиомалар масаласи ҳозиргача тилшуносликда жуда кам ўрганилган. Бу термин грек тилидан олинган бўлиб “*аслий*” деган маънони англатади.

Тилни қандай ўзига ҳос, гўзаллигини яққол кўрсатиб турувчи фразеологик бирликлардан бири бу *идиомадир*. Идиома ёрдамида фикр ёки тушунча тўғридан-тўғри эмас балки бир сўз бирикмаси орқали чиройлироқ, лўндароқ қилиб тушунтирилади. Идиомада маъно кучайтирилиб берилади. Албатта, идиомани яхшироқ тушуниш учун тилшунос олимларнинг бу ҳақдаги фикрларини таҳлил қилиш мумкин. Масалан, А.Искос, А.Ленковаларнинг фикрича ва “*Deutsch als Fremdsprache*” журналда ёзилишича, „*idiom*“ атамаси грекчадан олинган бўлиб, ўзига ҳос, асл маъноларини англатиши ва ундан ўз хусусиятига эга, қўлланилиши барқарор бўлган сўз гуруҳлари тушунилиши таъкидланган. Юқоридаги таърифлардан ўзгачароқ, идиома ҳақида куйидаги таърифлар ҳам мавжуд: Идиома маълум бир тилга ҳос, унга ўзлашиб кетган ва бошқа тилга сўзма - сўз таржима қилиб бўлмайдиган тил бирлигидир. Маъноси айни ибора таркибидаги сўзларнинг мазмунидан келиб чиқмайдиган иборага *идиоматик ибора* дейилади. Идиома маъноси ўз таркибидаги сўзларнинг маъноларига боғлиқ бўлмаган, яхлит ҳолда бир маъно берувчи, ихчам иборадир.

Немис тили ҳам идиомага бой. Масалан: *Die Augen in die Hand nehmen (genau zusehen)*- *диққат билан қарамоқ*, *sich die Beine in den Leib stehen (lange warten)*- *узоқ кутмоқ*, *ins Gras beissen (sterben)* - *ер тишламоқ (қазо қилмоқ)*, *den Mund halten (schweigen)* - *овозини ўчирмоқ, жим бўлмоқ*.

Юқорида келтирилган мисоллардан ҳам кўриниб турибдики, идиомаларнинг барча компонентлари кўчма маънога эга, яъни уларни тўғри маънода тушуниб бўлмайди [1].

Идиомалар, А.А.Реформатскийнинг фикрича, лексик бирликлар бўлиб, улар жой, вақт шароитлар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ҳатто бирор воқеа-ҳодиса билан ҳам боғлиқ ва уни акс эттирувчи ҳар бир тилда индивидуал ва ўзига ҳос хусусиятга эга бўлган бирликлар, аммо уларни тўғридан - тўғри таржима қилиб бўлмайди [2].

Идиомалар яхлит бир маъно беришига кўра сўзга ўхшаса ҳам, доимо субъектнинг объектга бўлган муносабатини билдириш билан семантик фарқ қилади: Масалан: “*das Kind mit Bade ausschütten*” идиомаси ўзбек тилига “*бургага аччиқ қилиб кўрпани куйдирмоқ*” каби таржима қилиниб, мажозийлигига кўра фойда - зарарни билмаслик сўзидан фарқ қилади.

*Идиомалар* - булар тилда азалдан мавжуд бўлган фразеологизмлардир. Уларни сўз, сўз бирлиги сифатида таҳлил қилиб бўлмайди, яъни, бошқача айтганда, идиомаларни алоҳида таҳлил қилиш, таржима қилиш ёки тушуниш мақсадга мувофиқ эмас, чунки идиомаларнинг асл маъноси идиома ичидаги сўзларнинг маъносига мутлақо боғлиқ эмас.

А. А.Реформатский идиома тўғрисида сўз юритиб, идиомаларни келиб чиқиш манбалари деганда, фольклор, ёзувчиларнинг асарларидан, фалсафий ва публицистик асарлардан цитаталар тушинилади, деб ёзади [3]. Руди Конраднинг фикрича, идиомалар морфемали конструкция бўлиб, унинг умумий маъноси идиома таркибидаги алоҳида олинган сўзлар маъносига боғлиқ эмас [4].

О. С. Ахманованинг фикрича, идиома ҳар бир тилда ўзининг синтактик ҳамда семантик курилишга кўра алоҳида хусусиятга эга бўлган birlikдир [5]. Демак, *идиома* бир - бирига чамбарчас боғлиқ турғун сўз бирикмаларидан ҳосил бўлади. Масалан: *sich kein Bein ausreiße* [6] - *дунёни сув босса тўпизига чиқмайди. Mit Ach und Krach* – *оҳ воҳ қилиб, зўр базўр, zwei Fliegen mit einer Klappe schlagen* - *қарс икки қўлдан чиқади. Pech haben*- идиомаси “*бахтсиз, омадсиз бўлмоқ*” маъносини билдиради. Гапда бу иборалар шундай қўлланади: *Mit ihren Besorgungen aber hatte Frau Hete an diesem Tage Pech. Ҳетти хоним бугунги ўз таъвишлари билан бўлиб иши юришмади. “Hand und Fuß haben”* идиомаси “*ақл-идрокли, асосли бўлмоқ*” маъноларини англатади. Унинг кўчма маъноси компонентлар маъноси билан мос келмайди. Масалан: *Was diese Leute über den Stuttgarter Irrsinn schreiben, hat Hand und Fuß und kommt auf dasselbe heraus, was ich darüber denke (Iskos, Lenkowa, 1970, 174).* “*Одамлар штутгартлик Ирзин ҳақида нима ёзишмасин, худди мен ўйлагандек асосли бўлиб чиқди*”.

Идиомаларнинг яна бир хусусияти умумий тушунчани ифодалашидир. „*Zu Kreuz kriechen*“ феъл асосий маънога эга бўлган идиома “*хўрланмоқ*”, “*камситилмоқ*” тарзида ўзбек тилига фақат феъл орқали таржима қилинади, “*auf der Bärenhaut liegen*”- „*faulenzten*“ – ўзбек тилига “*ялқовлик қилмоқ*”, “*эринмоқ*”, “*эринчоғлик қилмоқ*” каби, *Sand in die Augen streuen* - „*belügen*“ феълли идиомаси ўзбек тилига “*ёлгон гапирмоқ*”, “*алдамоқ*”, „*durch die Lappen gehen*“ “*секин қочиб кетмоқ*” каби таржима қилинади.

Идиомаларнинг асосий маъносини ифодаловчи феълли идиомалар унинг маънолари ўз таркибидаги маънодан ташкил топади ва бошқа маъно англатиши мумкин эмас. Масалан: „*ins Auge fallen*“ - *bemerkbar sein* - ўзбек тилига- “*ажралиб турмоқ каби*”, „*sich den Kopf zerbrechen*“ – „*angestrengt nachdenken*“ „*чуқур ўйлаб кўрмоқ*“, “*бош қотмоқ*”, „*gleiche Brüder - gleiche Karren*”- *бир токнинг узуми, бир боғнинг меваси каби, den Kopf verlieren*“ – „*боши айланмоқ*“ каби ўзбек тилига таржима қилинади.

Аммо идиома таркибидаги бирорта феъл ўзининг соф тўғри маъносида тушунилмайди, чунки у ҳамиша кўчма маънога эга бўлиб келади. Масалан: *Ja lieber Junge, wir sind eben nicht auf den Kopf gefallen, wir riechen alles. Ҳа болама, бу бир аҳмоқлик эмаски ҳаммасини пайқасак.* Асосланмаган феълли идиомалар шундан иборатки, унинг маънолари ўз таркибидаги маънодан иборат бўлмайди. Феъл билан боғлиқ идиомаларни баъзан этимологик - тарихий жиҳатдан ёндашиб тушунтириш мумкин. Шуни таъкидлаш керакки, асосий мезон субъективдир. Бу сўзлаётган шахснинг даражасига боғлиқ. Масалан: *Auf der Bärenhaut liegen* - феълли идиомаси ўзбек тилига “*ялқовлик қилмоқ, ялқов бўлмоқ*” идиомасининг маъно доираси “*Bär*” (*айиқ*) сўзининг маъноси ва шу ҳайвоннинг характери билан боғлиқ, чунки “*айиқ*” аслини олиб қараганда, жуда ялқов, аммо кучли ҳайвондир. Шу характерига нисбатан унинг терисидан ётиш

хам ялқовликка олиб келади, деган тушунча мавжуд.

Қуйидаги феълли идиомалар аслий идиомаларми ёки аслий идиомалар эмасми, деган фикр юзага келади, аммо бу мунозарали масаладир. Масалан: *“jemanden auf die Finger sehen”*, *„genau beobachten“* идиомаси ўзбек тилига *“тўғри қарамоқ”*, *“кузатмоқ”* каби, *“etwas auf den Fingern saugen”* – *„sich etwas ausdenken“*, *„ўйлаб топмоқ“*, *уйдирма тўқимоқ“* каби таржима қилинади.

Бу мисолларда ҳам диққат марказида турган *“Finger”* сўзи билан боғлиқ бўлган тушунча намоён бўлади. Чунки юқоридаги идиомаларни ўзбек тилида *“бармоққа тикилиб қарамоқ”* иборасини тўғридан - тўғри тушуниб бўлмайди. Идиома ҳар бир тилда йиллар давомида мавжуд бўлиб, шаклланиб, сайқал топиб бораверади. Чунки идиомалар тилларда аслий турғун бирикмалар сифатида намоён бўлади.

Агар фразеологик ифоданинг умумий маъноси компонентларнинг маъносига тўлиқ мос келса, буни *идиоматизация* деб аташади [7].

Кучли экспрессивлик, образлилик ибораларни нутқнинг фаол воситасига айлантиради, унинг оғзаки нутқда, бадиий адабиётда ҳамда публицистикада ўткир ва ихчам тасвирий восита бўлишини таъминлайди. Идиомалар қахрамон образини таърифлашда персонажлар нутқини индивидуаллашда воқеа-ҳодисаларнинг эмоционал тасвирини яратишда тайёр таъсирчан восита саналади. Баъзан ёзувчилар феълли идиомаларни мақсадга, контекстга мослаб қисман ўзгартиради. Идиомаларнинг немис тилидан ўзбек тилига таржима қилишда бир қанча қийинчиликларга дуч келиш мумкин, чунки идиоманинг компонентлари бир тилдан иккинчи бир тилга тўғридан - тўғри таржима қилинмайди. Масалан: *„Die Augen sind größer als Magen“*. Бу идиомани ўзбек тилига таржима қилишда сўзма - сўз таржима қилиш керак эмас, балки ўзбек тилидаги шу идиомага мос турғун бирикмалар танланади. Бу идиомани ўзбек тилига тўғридан - тўғри сўзма-сўз таржима қилсак умуман бошқа маънони билдиради. Унинг асосий маъноси *“ёб тўймак”*, *“очкўз”*, *“беш бармогини оғзига солмоқ”* каби таржима қилинса, сўзма - сўз таржимаси *“кўзи ошқозонидан каттароқ”* каби тушиниш мумкин. Масалан: *„Hat Hänschen nicht aufgegessen?“* Nein, seine Augen waren mal wieder größer als sein Magen. *„Хенсхен овқатланмадими ?“* Йўқ, у *ёб тўймак*ку.

*„Jdm. auf die Finger sehen“* бу идиомани ҳам маъноси *“кўзини узмаслик, тикилиб қарамоқ”*, *“кўз - қулоқ бўлиб турмоқ”* каби, сўзма-сўз таржимаси бўлса, *“бармоқ учига кўрсатмоқ”* ёки *“бармоқ учига қарамоқдек”* таржима қилинади. Масалан: *„Bist du mit seiner Arbeit zufrieden?“* – Gar nicht“ *Dauernd möchte man ihm auf die Finger sehen, sonst arbeitet er schlecht.* Сен ўз ишингдан хурсандмисан? Йўғе, доимо унга *кўз - қулоқ бўлиб туриш* керак, бўлмаса у ёмон ишлайди.

*“Zu tief ins Glas gucken”* идиомасини ҳам немис тилидан ўзбек тилига таржима қилишда, сўзма-сўз таржима қилиб бўлмайди, чунки феълли идиома компонентлари маъноси бир – бирига мос келмайди ва уларни сўзма-сўз таржима қилиб бўлмайди, чунки феълли идиома компонентларидаги сўзлар сўзма - сўз таржимаси *“ишиша идишга чуқур қарамоқ ёки термулмоқ”* каби таржима қилинади. Масалан: *Herr Weber ist ein recht ein fleißiger Mensch. Aber wenn er einmal zu Lief ins Glas geguckt hat kann nichts mit ihm angefangen.* *Жаноб Вебер ҳақиқий тиришқоқ инсон, лекин у бир марта маст бўлиб қолса, у билан умуман бирор ишни бошлаб бўлмайди.*

*“Wie Gott in Frankreich leben”* идиома ўзбек тилига *“беками кўст яшамоқ”* каби таржима қилинади. Лекин буни сўзма - сўз таржима қилинса, унинг умумий маъноси очиб берилмайди. Уни тўғридан - тўғри таржимаси *“худди худодек Францияда яшамоқ”* каби маънони англатади. Унинг сўзма-сўз таржимасини тушуниш қийин ва маъносиздир. Аммо шундай идиомалар борки, уларнинг асосий маъноси ва сўзма - сўз таржимаси бир-бирига яқин келади. Масалан: *„das Geld zum Fenster herauswerfen“*. Бу идиоманинг асосий маъноси *“пулни кўкка совурмоқ”* бўлса, сўзма - сўз таржимаси *“пулни деразадан улоқтирмоқ”*, деган маънони беради. Масалан: *Kauf dir diesen alten Radioapparat nicht. Das Geld dafür wäre wirklich zum Fenster hinausgeworfen.* Бу эски

радиоаппаратни сотиб олма. Бу учун пулни беҳуда ишлатган бўласан.

“*Wie im siebenten Himmel sein*” бу идиомани ҳам тўғридан - тўғри эмас, мазмун моҳиятига қараб таржима қилинса “боши кўкка етмоқ, оғзи қулоғида бўлмоқ” ёки “еттинчи осмонда юрмоқ” каби маънони беради.

Масалан: „*jmdn. in den April schicken*“ Бу идиомада айтиб ўтганимиздек феъл асосий ўринни эгаллайди. Феъл “*schicken*” асосан “*жўнатмоқ*” каби таржима қилинади. Буни умумий маъносига қараб таржима қилса “*алдамоқ*”, “*ҳазил қилмоқ*” каби бўлади. Феъл билан боғлиқ идиомалар стилистик жиҳатдан олиб қараганда маъно доираси кенгдир. Масалан, “*zwei Fliegen mit einer Klappe schlagen*”. Бу идиомада ҳам асосий ўринни феъл эгаллаган ҳолда гапни мазмунини тўлдирган. Идиомадаги “*schlagen*” феъли ўзбек тилига бир қанча маъноларни билдиради. Жумладан: “синдирмоқ” ёки “урмоқ” каби маъноларни билдиради. Ушбу идиомани асосий маъноси “*бир ўқ билан икки қуённи урмоқ*” ёки “*отмоқдир*”. Демак бу идиомада асосий фикрни “*schlagen*” феъли англатмоқда. Шундан келиб чиқиб, немис тилида жуда кўп идиомалар феъл билан боғлиқ бўлиб ўзбек тилидаги вариантда ҳам кўпинча феъл билан ифодаланган бирикмалар билан берилмоқда.

Бу идиоманинг бошқа вариантлари ҳам мавжуд, масалан: “*zwei Fliegen mit einer Klappe schießen*”, ўзбек тилида “*бир ўқ билан икки қуённи урмоқ*” ёки “*уни ўрнига отмоқ*” феъли ҳам ишлатилиши мумкин.

Шундай қилиб идиомалар немис тили фразеологиясини асосий қатламини акс эттирса, феъл билан боғлиқ идиомалар эса, немис тилидаги идиомаларнинг асосий қисмини ташкил этади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Wortkomplexe des Deutschen in Sprache und Rede. Moskau, 1980. Iskos A., Lenkova A. Deutsche Lexikologie. Ленинград, 1970. Имяминова Ш.С. Олмон тили лексикологияси (маърузалар матни, олмон тилида). -Т.: Университет, 2000.
2. Реформатский А. А. Введение в языковедение. –Москва: Аспект Пресс, 2004, 128.
3. Реформатский А. А. Введение в языковедение. –Москва: Аспект Пресс, 2004, 131.
4. Rudi Konrad. Lexikon der sprachwissenschaftliche Termini, VEB. Bibliographisches Institut, Leipzig, 1988, 96.
5. Ахманова О. С. Словарь лингвистических терминов. –М.: Энциклопедия, 1969, 165.
6. Шу ва бошқа идиомалар: Annelies Herzog, Arthur Michel, Herbert Riedel. Deutsche idiomatische Wendungen für Ausländer. VEB, Verlag Enzyklopädie, Leipzig, 1976.
7. Fleischer W. Phraseologie der deutschen Gegenwartssprache. Leipzig, 1982, 42.
8. Sotvoldiyevna, U. D. (2022). Political Euphemisms in English and Uzbek Languages (A Comparative Analysis). *Eurasian Journal of Learning and Academic Teaching*, 9, 92-96.
9. Satvoldiyevna, U. D. (2021). Axiological Characteristics Of English, Uzbek And Russian Phraseological Units. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(06), 40-45.
10. Shodiyeva, G., & Ismatova, S. (2022). O'ZBEK TILSHUNOSLIGIDA SO'Z TURKUMLARI MASALASI. *Eurasian Journal of Academic Research*, 2(7), 103-105.
11. Qizi Shodieva, G. N., & Dusmatov, H. H. (2022, July). RINCPLES OF DIVISION OF WORD CATAGORIES IN UZBEK LANGUAGE. In *INTERNATIONAL CONFERENCES ON LEARNING AND TEACHING* (Vol. 1, No. 11, pp. 38-43).



12. Shodiyeva, G. N. K., & Dustmatov, H. (2022). CLASSIFICATION OF WORDS IN UZBEK AND ENGLISH: IN THE EXAMPLE OF VERBS. *Central Asian Academic Journal of Scientific Research*, 2(4), 234-237.
13. Do'smatov, D. qizi Shodiyeva, GN (2022, May). O 'ZBEK TILSHUNOSLIGIDA SO'ZLARNI TURKUMLARGA AJRATISH.
14. Qizi Shodieva, G. N., & Dusmatov, H. H. (2022, July). RINCPLES OF DIVISION OF WORD CATAGORIES IN UZBEK LANGUAGE. In INTERNATIONAL CONFERENCES ON LEARNING AND TEACHING (Vol. 1, No. 11, pp. 38-43).
15. Azamatovna, B. S., & Salijanovna, I. S. (2020). Classification of could words in german and Uzbek. *PalArch's Journal of Archaeology of Egypt/Egyptology*, 17(6), 7333-7339.
16. Bekmuratova, S. A. (2019). GRAMMATIC FEATURES OF DOUBLE WORDS IN GERMAN AND UZBEK LANGUAGES. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(5), 248-252.
17. Бекмуратова, Ш. А. (2019). НЕКОТОРЫЕ ФРАЗЕОЛОГИЗМЫ В УЗБЕКСКОМ И НЕМЕЦКОМ ЯЗЫКАХ. *Мировая наука*, (3), 105-107.
18. Abbasova, N. K. (2020). O'ZBEK VA INGLIZ TILLARIDA OLMOSHLARNING QIYOSIY TAHLILI. In *МОЛОДОЙ ИССЛЕДОВАТЕЛЬ: ВЫЗОВЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ* (pp. 472-476).
19. Karimova, S. (2020). ҲОЗИРГИ ЗАМОН ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ТЕНГ БОҒЛАНГАН ҚЎШМА ГАПЛАРНИНГ ЛИНГВО–КОГНИТИВ АСОСЛАРИ. *Журнал иностранных языков и лингвистики*, 1(1), 62-65.
20. Aliyeva, N. (2021). ИЗОМОРФИЗМ АНГЛИЙСКИХ КОЛЛОКАЦИЙ И ФРАЗЕМ РУССКОГО И УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКОВ С УЧЕТОМ ПЕРЕХОДНОСТИ ЗНАЧЕНИЯ. *Журнал иностранных языков и лингвистики*, 2(2).
21. ГАНИЕВ, Б. & Ганиева, М. С. (2019). Религиозно-исламские и духовные корни предпринимательской деятельности в Средней Азии. In *ИДЕАЛЫ И ЦЕННОСТИ ИСЛАМА В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОСТРАНСТВЕ XXI ВЕКА* (pp. 332-335).
22. Akramova, N. M., & Burkhonova, G. Y. (2020). The study and description of a youth sociolect. In *European research: innovation in sceance, education and technology* (pp. 69-71).
23. Zakirovich, G. B. (2022). Service Parts of Speech as an Important Component of Advertising Text in Russian and Uzbek Languages (By the Material of Advertising in the Sphere of Medicine). *European Multidisciplinary Journal of Modern Science*, 3, 1-7.